



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

165a -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Қоландарова Манзура Юсуповнага
Боғот тумани “Маънавият” маҳалласи ҳудудига
вақтинча енгил конструкцияли “Континер”
ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Қоландарова Манзура Юсуповнанинг “Маънавият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,7x3,0) 8,1 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 18 декабрдаги ШЯ-Қ-3536-сонли аризасини, Боғот туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2020 йил 24 декабрдаги 493-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Қоландарова Манзура Юсуповнага “Маънавият” маҳалласи ҳудудига (2,7x3,0) 8,1 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Қоландарова Манзура Юсуповнани “Маънавият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,7x3,0) 8,1 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Қоландарова Манзура Юсуповна “Маънавият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (2,7x3,0) 8,1 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев